



## БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**doi**[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss2/a49](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a49)

**Мусаханова Гулнора Мавляновна -**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,  
катта ўқитувчиси

**Аннотация.** Ушбу мақолада муаллиф томонидан бугунги кунда бўлажак мутахассисларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириши борасида амалга оширилаётган ишлар, ушбу жараёнда учраётган муаммолар борасида фикр юритилган.

**Калим сўзлар:** таълим, компетентлик, компетенция, мутахассис, замонавий ёндашувлар, педагогик фаолият.

### ПОВЫШЕНИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ БУДУЩИХ СПЕЦИАЛИСТОВ

**Мусаханова Гулнора Мавляновна -**  
старший преподаватель Ташкентский  
государственный экономический университет

**Аннотация.** В данной статье автором рассматривается проводимые на сегодняшний день работы по развитию профессиональных компетенций будущих специалистов, а также проблемы, возникающие в этом процессе.

**Ключевые слова:** образование, компетенция, компетентность, специалист, современные подходы, педагогическая деятельность.

### INCREASING PROFESSIONAL COMPETENCES OF FUTURE SPECIALISTS

**Musakhanova Gulnora Mavlyanovna -**  
Tashkent State University of Economics,  
senior teacher

**Annotation.** In this article, the author considers the ongoing work to develop the professional competencies of future specialists, as well as the problems that arise in this process.

**Keywords:** education, competence, competence, specialist, modern approaches, pedagogical activity.

**Кириш.** Бугунги кунда жамиятга ҳар томонлама ривожланган, маънавий етук, иқтисодий жиҳатдан билимдон, теран фикрлайдиган, юксак билим ва маданиятга эга бўлган ёшларни етиштириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳар бир инсон бугунги бозор иқтисодиёти муносабатлари ривожланиб бораётган бир шароитда уни ўраб турган иқтисодий воқеликни англаш, таҳлил қилиш ҳамда шунга мос ҳаракатларни амалга ошириш кўникмасига эга бўлиши лозим.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида мутахассисларнинг касбий-ижодий дараҷасига қўйиладиган талаблар ортиб, саноат ва ижтимоий соҳаларда энг янги илмий ютуқлар ва илғор технологияларни жорий этиш муддатлари қисқартирилмоқда. Идеал ҳолда олий таълим муассасаси битирувчиларининг фаолияти ечимларни талаб қиласиган мураккаб алгоритмлардан фойдаланишни ўз ичига олади ва у илмий тадқиқотларнинг хусусиятлари билан ажralиб туриши керак. Глобаллашув шароитида битирувчиларнинг ҳаёти ўзини ўзи англаши, олий таълим муассасаси учун касбий фаолиятни ижодий амалга оширишга тайёр бўлган, яъни нафақат мураккаб муаммоларни ҳал қилиш,

балки келажакда муаммоларнинг ечимини тошиш ва тубдан янги мустақил ижодий ечимларни топишга қодир бўлган мутахассисни ривожлантириш вазифасини бажаради.

Таълим жараёнида бўлажак мутахассисларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш педагогик муаммо сифатида эканлигини таҳлил этар эканмиз, Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлаш компетенцияларига эга юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ёшларни санъат дунёсига ошно этиш, компьютер ва IT технологиялари соҳасида билим ва компетенцияларга эга бўлишлари учун зарур жиҳозлар билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли **фармони** асосида “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони [2] қабул қилинганлиги айни мазкур муаммоларни бартараф этишга қаратилганини эътироф этиш мумкин.

Мазкур фармонда бакалавриат, магистратура ва докторантуратада дастурлари кесимида стипендиятларни хорижий давлатларга таълим олиш учун юбориш, олий таълим муасасаларини QS ва THE халқаро рейтингларига кириши учун мақсадли дастурни ишлаб чиқиши, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий маълумот олиш имкониятини янада кенгайтириш, бунда босқичма-босқич масофавий таълим шаклида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш масалаларига катта аҳамият берилган. Бу эса бўлажак мутахассисларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришга асос бўлади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Бўлажак мутахассисларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш борасидаги муаммоларни ҳал этиш доимий долзарб ҳисобланган масала ҳисобланади. Шу боис “Таълим тўғрисида”ги қонунда мустақил фикрлайдиган, юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш тизими акс эттирилган [1].

Шунингдек, мазкур муаммоларни тизимили ҳал қилиш борасида республикада ҳуқуқий-меъёрий асослар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиqlаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони [3], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори [4], шунингдек, касбий компетентликка оид бўлган ёндашувларни таҳлил қила туриб, шуни айтиш мумкини, ўқув жараённида унинг аҳамиятини аввалдан англаб етгандарини кўриш мумкин.

Н.А.Муслимов ва Қ.М.Абдуллаеваларнинг фикрича, компетентлик – олинган назарий билим, кўникма ва малакалар мажмуасини амалиётга мустақил ва ижодий қўллай олиш даражаси, бу талабанинг амалиёт жараённида ҳам, олий таълимдан кейинги фаолиятида ҳам шаклланиб боради [9].

Б.Р.Муқимов бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш фоясини кўриб чиқиб, шуни таъкидлаган: “Касбий компетентлик – мутахассис томонидан касбий фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларнинг амалда юқори даражада қўллай олиниши” деб фикр билдирган [10].

Россиялик олим А.В.Хуторскойнинг қайд этишича, “Компетенция предмет ва жараёнларнинг маълум доирасига нисбатан шаклланувчи шахснинг ўзаро боғлиқ бўлган сифатлари (билим, кўникма, малакалари) мажмуаси бўлиб, уларга нисбатан самарали ва самарасиз таъсир

кўрсатиш демак. Компетентлик эса шахс томонидан мос компетенцияга эга бўлишни англашади” [13].

Англиялик олим Джон Равеннинг таъкидлашича, “Компетентлик муайян соҳада аниқ ва конкрет ҳаракатларни бажариш учун зарур бўлган ва тор мутахассисликка оид билимлар, алоҳида малака ва кўникма, фикрлашусули, шунингдек, қылган ҳаракатлари учун жавобгарликни тушунишни қамраб олган ўзига хос қобилиятдир” [7].

**Тадқиқот методологияси.** Мазкур ишда бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш омилларининг мазмумни, мақсади, вазифалари ва тамойиллари ўрганилди. Тадқиқот давомида тизимли ёндашув ва таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилди.

Ушбу мақоланинг назарий ва услубий асоси сифатида бўлажак мутахассисларда касбий компетентликни ривожлантиришга оид адабиётлар ҳамда илмий мақолалар, педагог, психолог, социолог олимларнинг ушбу мавзуда олиб борган изланишлари, олимлар ва соҳа вакилларининг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, жараёнларни кузатиш амалга оширилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш борасида катта ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг “Олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари” деб номланган З-бобининг “Олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш” деб номланган 1-ঢда “Гуманитар ва педагогик йўналишларда кадрлар тайёрлаш сифатига эътиборни кучайтириш, педагогик таълим йўналишлари ва мутахассисларни бўйича ўқув режа ва дастурларини илғор хорижий тажриба асосида қайта кўриб чиқиши ва такомиллаштириш, мазкур йўналишда таҳсил олаётган талабаларда таълим жараённида замонавий педагогик технологияларни кўллаш кўникмаларини шакллантириш, педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш, худудлардаги барча умумтаълим мактабларига хорижий тилларни ўзлаштирган, юқори малакали профессионал педагог кадрларни етказиб бе-

риш” [3] масалаларида бўлажак мутахассисларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш, бўлажак мутахассисларнинг мустақил таълим олишлари, мустақил ишлаш малакаларини узлуксиз ошириш орқали уларнинг зарур компетенцияларини, ижодий яратувчанлик, тадқиқотчилик, мантиқий тафаккурини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

“Компетенция” тушунчасини изоҳлар эканмиз, бу атаманинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратамиз. “Компетенция” лотинча сўз бўлиб, ўзбек тилида “муносиб”, “тўғри келади” ёки “мос келади” маъноларини англатади. Ўз билим, маҳорат ва амалий тажрибаларини қўллаган ҳолда оддий ва мураккаб масалаларни ҳал эта олишга муносиб инсон, деб тушунса бўлади. Кўп ҳолларда “касбий компетенлик” атамаси қўлланилади. Бу сўзни касбий вазифаларини амалга оширишда ўз амалий тажрибалари, билим ва қўникмаларини муваффақиятли қўллай олиш қобилияти, деб тушунса бўлади.

Барчамизга маълумки, кейинги ўн йиллар мобайнида бир қатор Европа, АҚШ, Россия ва бизнинг мамлакатимизда олий таълим тизими тубдан ислоҳ қилина бошланди. Бунда асосий эътибор талабаларда эгаллаётган мутахассислиги бўйича компетенция шаклланиши ва такомиллашувига қаратилмоқда. Бугунги кунда жамият учун бутунлай янги қиёфадаги мутахассис талаб қилингани. У фаол ижодий фикрловчи, изланувчан, илмий ахборотларни мустақил равишда излаб топувчи ва уларни ўз амалий фаолиятида қўлловчи мутахассис бўлиб етишиши лозим.

Олимларнинг фикрига кўра, олий таълимни ислоҳ қилиш, янгилаш, такомиллаштиришда замон талабларига жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлашнинг асосий йўлларидан бири *компетенция нуқтаи назаридан ёндашув ҳисобланади*. Олий таълимда ўқиши ва тарбиянинг бундай услубини жорий қилиш ўз-ўзидан анъанавий қарашларни тубдан ўзгартиришни талаб қиласди. Билим, қўникма ва тажрибалар бу борада энди камлик қилиши кўзга ташланмоқда.

Ҳозирги замон педагогика фани ва бу борада олиб борилаётган илмий изланишларга назар ташласақ, турли соҳа ва мутахассислар, фан ва услублар, ўқитиши усуллари, технологияларга жуда кўп эътибор қаратилганлигини сезамиз. Аммо ана шу педагогик усулларни тушуниш, уларни амалий фаолиятда қўллаш масаласи энг долзарб муаммолардан бирига айланганлигини таъкидлаш мумкин.

Педагогика фани ҳам бошқа гуманитар ва табиий фанлар қаторида ўз тизимини позитив шакллантиришда муаммолар мавжуд. Муаммо бу соҳадаги педагогик назарий билимларни

амалий фаолиятга татбиқ этишда яққол кўзга ташаланади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ўқитувчиларда назарий билимларни амалиётда қўллай олиш маҳоратининг етишмаслиги сезилмоқда. Демак, кўплаб ўқитувчилар, педагоглар эскириб қолган назарий билимларни инновациялар билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш лозим. Уларда замонга хос туб ўзгаришларга мос келиш, муносиб бўлиш каби сифатлар етишмайди. Худди шу сифат *компетенция – компетенция* эгаси бўлиш, компетент педагог номини олиш масаласи ҳисобланади.

Глобаллашув сари бораётган ҳозирги дунёда давлатнинг халқаро рақобат жараёни шартларига тез мослашуви унинг муваффақиятли ва барқарор ривожланишининг асосий омили ҳисобланади. Бунда юксак тараққий этган давлатларнинг асосий устунлиги – таълим тизимининг ҳолати шахсни ривожлантириш имкониятлари мавжудлигига боғлиқ. Давлатнинг бугунги ва истиқболдаги барқарор иқтисодий ўсишини таъминловчи омиллар ҳам айнан таълим соҳаси ривожланиши ва педагог кадрларни тайёрлашга боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси олий таълими бўлажак мутахассислар тайёрлашда меҳнат бозори талабларидан келиб чиқсан ҳолда ислоҳотлар сари юз тутмоқда. Ҳозирги пайтда олий педагогик мактабнинг асосий вазифаси, биз юқорида тилга олиб ўтгандек, рақобатбардош, компетентли мутахассислар тайёрлашдан иборатdir. Шиддат билан ўзгариб бораётган барча соҳаларда ишлай оладиган, ўз касбий вазифаларини мустақил ва ижодий еча оладиган мутахассисларга бизнинг мамлакатимизда ҳам талаб кучайиб бормоқда.

Ўқитувчилик инсоният жамияти тарихи бошлангандан эътиборан давом этиб, шу билан бирга, ҳамма вақт жамият ва жамоатчилик томонидан эътиборга лойик, эъзозлаб келинган касб. Шу жиҳатдан олганда, давлатнинг бугунги ва истиқболдаги барқарор иқтисодий ўсишини таъминловчи омиллар ҳам айнан таълим соҳаси ривожланишига бевосита боғлиқдир. Бунинг учун эса бўлажак мутахассис-кадрларни етиштириб бераётган барча олий таълим соҳасида фаолият юритаётган барча профессор-ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириб бориш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бугунги глобаллашув даврида замонавий ўқитувчилар компетентлиги куйидагиларда ўз аксини топади:

- инсонпарварлик;
- коммуникативлик;
- касбий мустақиллик, ишчанлик, ҳиссий барқарорлик, ўз ишига ижодий ёндашиш;
- педагогик техника ва технологиялардан оқилона фойдаланиш;

➤ нутқ техникаси, ўз товуш, мимика ва гавдасини бошқариш, жамоа ва шахсга таъсир кўрсатиш қобилиятларини такомиллаштириш;

➤ замонавий фан ва ишлаб чиқаришдаги муаммолар, педагогик, ахборот ва юқори дараҷадаги технологиялардан хабардор бўлиш ҳамда улардан зарурларини таълим жараёнига татбиқ этиш ва ҳоказо.

#### **Педагогик маҳорат ва компетентлик**

педагог шахсининг тажриба орқали орттирган хусусияти, бирор соҳадаги мослашувчан кўнимма ва ижодкорлик асосида ҳосил бўлган касбий кўникмаларининг назарий даражасидир. Бундай сифатлар ёшларда танлаган касбига хурмат уйғотиш жараёнидаги касбий ғурурни шакллантиришда хизмат қиласди. Шу жиҳатдан баркамол авлод тарбиясида ўқитувчи-тарбиячининг маҳорат эгаси бўлиши муҳимдир.

Педагогик маҳорат ва компетентлик касбига нисбатан тавсифнома бериш, таълим жараёнидаги ўзлаштириш савиясини эгаллаш, тарбия жараёнида муайян вазифани бажаришдаги касбий хислатларни таърифлашда кўлланилади.

Педагогик маҳорат ва компетентлик ўқитувчидан изланиш, маҳорат, педагогик технологияларни кўллай билиш, ўз фаолиятини илмий асосда ташкил этишни талаб қиласди.

Демак, ўқитувчининг кўп қиррали фаолияти ва унинг қобилияти, зўр санъаткор ва фидойи бўлиши ҳамда ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялаш масаласи давлат сиёсати дараҷасидаги долзарб масалалардан бири экан, ўқитувчилар педагогик маҳорат ва компетентликни эгаллашлари лозим.

Касбий лаёқатлилик ва касбий компетенциянинг шаклланиши масалалари билан шуғулланувчи кўпчилик психологларнинг фикрича, касбий компетенция асослари боланинг туғилиши билан тўплана боради ва индивиднинг нейродинамик сифатлари билан белгиланади. Шу билан бирга, улар ҳатто “касбий лаёқатсиз” одамлар ҳам нейродинамик реакциялар тезлиги ёки уларнинг комплекси нуқтаи назаридан у ёки бу фаолиятдаги муваффақиятга бўлган мотивациянинг юқори даражасига эришиш мумкинлигига етакчи роль ўйнашини ҳам тан олишади.

А.В.Хоторский таълимда ўқитувчининг етти компетенциясини тавсифлайди:

1. Дунёқараш асосида, яъни қадрият ва ўзини англаш ўқитувчининг дунёқараши, тасаввuri ва қадрияти билан боғлиқ равишида намоён бўлади. У атроф-муҳитдаги воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини кўра олади ва тушунади, бунга ўзини йўналтиради, педагог сифатида ўз фикрини асослай олади. Муаммо ечимини топа олади. Бу компетенция ўқитувчининг ўқув ва бошқа

фаолиятларидағи ўз-ўзини англаш механизми ни таъминлайди.

2. Умуммаданий-миллий ва умуминсоний қадриятларга эга бўлиш; мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида иштирок этиш; оиласи, урф-одатларга ҳурмат; ижтимоий кўнинмаларга эга бўлиш. Илм-фаннинг инсон ҳаёти ва дунё ривожига таъсирини англай олиши ва талабаларга тушунира олиши.

3. Ўқув ва билиш жараёни – ўқитувчининг мустақил билиш фаолияти. Мантиқий фикрлаши. Ўқув-билиув фаолиятини баҳолаши, билим ва кўникмасини таҳлил қила олиши.

4. Маълумотга эга бўлиш – педагогик фаолияти, ўз фанига доир маълумотларни эгаллаш кўникмаси.

5. Мулоқотчанлик – тил билиши, турли хил инсонлар билан мулоқотда бўлиши, жамоада ўзига хос ўринда туриши.

6. Ижтимоий фойдали меҳнат, оилавий муносабатлар ва масъулият, жамият ривожидаги иштироки, ижтимоий фойдали меҳнат қилиши. Иктиносидий ва ҳукукий кўникмаларга эга бўлиш.

7. Ўз устида ишлаши – жисмоний, маънавий, интеллектуал жиҳатдан ўз-ўзини ривожлантириб бориши. Ҳиссиятини бошқариш [13].

Бизнингча, жамиятдаги бирон-бир гурӯҳ, жамоа ёки шахс маълум бир соҳа бўйича юксак малака ва билимларга эга бўлиб, ўз соҳасидаги компетенция эгаси бўлиб шаклланади ҳамда ушбу ваколатини мунтазам равишида такомиллаштириб боради. Бу масалага жамиятнинг манфаатлари юзасидан ёндашилади. Шахс эса ўз компетенциясини такомиллаштириб бориш орқали, энг аввало, ўзининг ҳаётий манфаатларини амалга оширади, шу билан бирга, жамиятнинг шахсга қўяётган талаблари даражасига эришади.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб, касбий компетентлик деганда, умумий маънода шахснинг профессионаллигини, яъни унинг у ёки бу соҳадаги назарий ва амалий тажрибалиринг ўйғулигини тушунамиз.

Шу билан бирга, компетенция деганда, у ёки бу фаолиятни амалга ошириш учун шахс қобилиятларининг мавжудлиги ва бу қобилиятларнинг ривожланганлик даражасини тушунамиз. Бугунги кунда олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада қуйидаги йўналишлар бўйича тизимли ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, бугунги кунда амалга оширилаётган таълим тизимидағи ислоҳотлар негизида бўлажак мутахассисларнинг онглилиги ва фаоллигини ошириш учун ўқитиш жараёнини

шундай ташкил этиш керакки, бунда талабалар илмий билимлар ҳамда уларни амалда қўллаш методларини онгли ва фаол эгаллаб олиши, уларда ижодий ташаббускорлик ва ўқув фаолиятида мустақиллик, ижодкорлик, тафаккур, нутк техникасини ривожлантиришга хизмат қилишини таъминлашга эътибор қаратиш.

Иккинчидан, бугунги кунда рақамли иқтисодиёт даврида бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлигини замон талаблари

асосида шакллантириш ва ривожлантириш йўлларини амалга ошириш.

Учинчидан, компетенция, айниқса, ҳар бир соҳа вакилларида касбий компетенция бўлажак мутахассисларнинг жамиятда тутган ўрнини белгилар экан, жамият ҳам юқори малакали касбий компетенцияга эга бўлган мутахассислар тайёрлашдан манфаатдор бўлишини уларга англаб етишларига эришиш.

#### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни. – Т., 2020 йил 23 сентябрь. // Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маъдумотлари миллӣ базаси: www Lex.uz
2. Шавкат Мирзиёев. "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони. <https://lex.uz/>
3. Шавкат Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли фармони. <https://lex.uz/>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори. // "Халқ сўзи" газетаси. 2017 йил 21 апрель. 79 (6773)-сон.
5. Мирзиёев Ш.М. Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 48 бет.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли фармони. <https://lex.uz/>
7. Джон Равен. Компетентность в современном обществе. – М.: Когито-Центр, 2002. – 396 с.
8. Зуинунов. А. Педагогика тарихи. Олий ўқув юртлари учун дарслик. Шарқ нашириёти. – Т., 2004 й. 148-б.
9. Муслимов Н.А ва бошқалар. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: Sano-standard, 2015. – 120 б.
10. Муқимов Б.Р. Талабаларни мустақил иш жараённада интерфаол таълим методлари асосида дидактик компетенциясини тақомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий дарражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2020. – 186 бет.
11. Musakhanova, G. (2022). <https://masterjournals.com/index.php/crjp>: Design and research method as an innovative approach aimed at the development of organizational abilities of students in the process of independent work. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/600>
12. Подласый. И.П. Педагогика. – М.: Владос, 2007.
13. Хоторской А.В. Компетентностный подход в обучении. Научно-методическое пособие. А.В.Хоторской. – М.: Издательство «Эйдос»; Издательство Института образования человека, 2013. – 73 с.: ил. (Серия «Новые стандарты»).
14. Khakimova M.F., Mirzaeva M.N., Bazarova U.M., Musakhanova G.M. Opportunities of innovation technologies in higher education. International Journal on Integrated Education. 3, 12 (Dec. 2020), 282-285. DOI: <https://doi.org/10.31149/ijie.v3i12.1002>.



#### **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ КРЕАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АОСЛАРИ**

**Акбарова Сайёра Шухратовна -  
ТДИУ таянч докторант**

**doi** [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss2/a50](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a50)

**Аннотация.** Ушбу мақолада мустақил таълим жараённада талабаларнинг креатив компетенцияларини ривожлантириш асослари ёритилган. Шунингдек, бўлажак мутахассисларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришда эътиборли бўлиш, таълим ва тарбия жараёнини компетентли ёндашув асосида олиб бориш лозимлиги ҳақида фикр юритилган.

**Калим сўзлар:** таълимни рақамлаштириш, мустақил таълим, компетентлик, касбий компетентлик, компетенция, креатив компетенциялар, креативлик, Hard skills, Soft skills.

#### **ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ КРЕАТИВНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ СТУДЕНТОВ В ПРОЦЕССЕ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО ОБУЧЕНИЯ**

**Акбарова Сайёра Шухратовна -  
докторант ТГЭУ**

**Аннотация.** В статье рассматриваются механизмы формирования профессиональной компетентности в рамках образовательного процесса на примере развития навыков самостоятельного обучения. Особое внимание уделено обучению развития креативного мышления будущих специалистов в контексте процесса усвоения знаний, а также раскрыты механизмы инновационного потенциала.

**Ключевые слова:** цифровизация образования, самостоятельное обучение, компетентность, профессиональная компетентность, компетенция, креативные компетенции, креативность, Hard skills, Soft skills.